

ЎЗБЕК КИНОКОМЕДИЯСИ 80 ЁШГА ТЎЛДИ!
Ўзбек кинокомедиясининг жанрли, мавзули обзори
Муҳайё Мухторова

ЎзРФА Санъатшунослик институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8412728>

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек кино санъатида комедия жанрининг вужудга келиши, тараққиёти, 1943 йилдан 2023 йилгача суратга олинган энг сара кинокомедиялар, улардаги ўзига хос характерлар таҳлил этилиб, фильмларнинг бадиий ҳамда зоявий хусусиятлари, ижодий компонентларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳамда бугунги кинематографиямизда тугган ўрни борасида муҳим фикрлар билдирилган.

Калим сўзлар: кинематография, комедия, жанр, режиссёр, актёр, сценарист, характер, фильм, фольклор, миллий колорит, бадиий хусусият, халқона каҳрамон.

УЗБЕКСКОЙ КИНОКОМЕДИИ – 80 ЛЕТ!

Жанровый тематический обзор узбекской кинокомедии

Аннотация. В данной статье анализируются возникновение и развитие комедийного жанра в узбекском киноискусстве, лучшие кинокомедии снятые с 1943 по 2023 год, их уникальные персонажи, художественно-идеологические особенности фильмов, достижения и недостатки творческого подхода а также анализируются компоненты и их роль в современном кинематографе.

Ключевые слова: кинематография, комедия, жанр, режиссер, актер, сценарист, персонаж, фильм, фольклор, национальный колорит, художественная особенность, народный герой.

UZBEK FILM COMEDY IS 80 YEARS OLD!

Genre thematic review of Uzbek film comedy

Abstract. This article analyzes the emergence and development of the comedy genre in Uzbek cinema, the best comedy films made from 1943 to 2023, their unique characters, artistic and ideological features of films, achievements and

shortcomings of the creative approach, and also analyzes the components and their role in modern cinema.

Keywords: *cinematography, comedy, genre, director, actor, screenwriter, character, film, folklore, national color, artistic feature, folk hero.*

Комедия – адабиёт, театр ва кинонинг тўнғич жанрларидан ҳисобланади. У ижодий тафаккурнинг муҳим шаклларидадир. Зеро, инсон табиатида ҳам юморга, кулгига мойиллик бўлгани каби бадиий ижод турларида ҳам комедияга эҳтиёж бўлиши табиий. Комедия дастлаб адабиётнинг айнан драматургия турида шаклланди. Драматургиядан тўғридан-тўғри театрга кўчган комедия уларнинг ҳар иккаласида ҳам “паст” жанр сифатида кўрилиб, инсондаги камчиликларни очувчи, жамиятдаги муаммоларни кулги этувчи восита сифатида кўрилди. Бироқ комедия ҳаётда ҳамиша ҳам бу тарзда намоён бўлавермайди. Инсонлар орасида самимий кулгилар ҳам, бирор воқеа-ҳодисадан завқланиш ҳам бўлиши мумкин. Бу эса, айнан кино санъатининг ушбу жанрдан топган асосий жиҳати эди ва мана шу хусусиятга катта эътибор қаратгани боис, энг ёш санъат тури бўлмиш кино комедияни жанр сифатида янги босқичга олиб чиқди. Натижада комедия бутун дунё кино санъатида муҳим, керак бўлса, етакчи жанрга айлана олди. Унинг хусусиятлари ва турлари назарий-таҳлилчилар томонидан тадқиқ ва таҳлил этилди.

Қарийб бир асрлик ўзбек киноси тарихида эса, бу жанрга мурожаат биров кеч амалга оширилди. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд эди. Асосий сабаб, Ўрта Осиёда кечаётган сиёсий-ижтимоий кескин жараёнлар, колонизация тузуми эди. Таъкидлаш керакки, бу ҳолатдан кино санъатининг жамиятдаги умумий мафкуравий жараёнларга нечоғлиқ боғлиқ эканини кўриш мумкин. Кино санъати ўзида ўзи мансуб бўлган замон ва жамият муҳитини жуда кучли ифода этади. Шунга қарамай, биринчи ўзбек кинокомедияси “Насриддин Бухорода” фильми айни Иккинчи жаҳон уруши

қизғин бўлаётган 1943 йилда дунёга келди ва бу таъкидланганидек, кинонинг кулгига инсонлар руҳиятини кўтарувчи сифатида қараши билан боғлиқ эди. Шу кундан ўз тарихини бошлаган ўзбек кинокомедияси то бугунги кунга қадар катта ва машаққатли тарихий йўлни босиб ўтди.

Ўзбек киносининг классик кинокомедиясига айланган ва жанрнинг шаклланишида ўзининг бадиий хусусиятлари, шакли ва моҳияти билан андоза вазифасини бажариб келаётган “Насриддин Бухорода” (реж. Я.Протазанов, 1943), “Насриддиннинг саргузаштлари” (реж. Н.Ғаниев, 1946), “Янги ер” (реж. А.Бекназаров, 1954), “Стадионда учрашамиз” (реж. З.Собитов, 1955), “Мафтунингман” (реж. Й.Аъзамов, 1958), “Маҳаллада дув-дув гап” (реж. Ш.Аббосов, 1960), “Синчалак” (реж. Л.Файзиев, 1961), “Ёр-ёр” (“Қаердасан Зулфия?”, реж. А.Ҳамроев, 1964), “Дилбарим” (реж. Ю.Степчук, 1967), “Шум бола” (реж: Д.Салимов, 1977), “Ажойиб хаёлпараст” (реж: Р.Ботиров, 1977), “Тўйлар муборак” (реж: Э.Хачатуров, 1978), “Чинор тагидаги дуэл” (реж: М.Абзалов, 1978), “Суюнчи” (реж: М.Абзалов, 1982), “Келинлар кўзғолони” (реж: М.Абзалов, 1984), “Майсаранинг иши” (реж: М.Абзалов, 1989), “Темир хотин” (реж: И.Эргашев, 1990) каби фильмлар ўз даври томошабинларига тақдим этилди. Мазкур комедиявий жанрдаги фильмларда режиссёр иши, актёр ижроси, қаҳрамонлар ҳис-тўйғулари, баъзи диалоглар, мусиқа ва кўшиқлар орқали образ кайфияти ва сюжет таъсирчанлигини ошириш, фалсафий ва рамзий маънони ифодалаш, юмор воситасида мимика, эмоция ва ритмни тасвирлаш, воқеа ва қаҳрамонлар ҳолатини бўрттириб кўрсатишдаги ўрни каби жиҳатлар профессионаллик билан амалга оширилганлиги боис бу кинокомедиялар бугунга қадар экранларда “яшаб” келмоқда.

Ўзбек кинокомедияси тарихини табиий равишда икки катта даврга ажратиш мумкин. Биринчиси, 1943-1990 йиллардан иборат давр бўлса; иккинчиси, 1990-2023 йиллар орасидаги давр. Мана шу саксон йиллик тарих мобайнида мамлакатда икки хил сиёсий-ижтимоий муҳит ҳукм сургани сабаб,

санъатга, жумладан кинога ҳам муносабат икки хил бўлгани табиий равишда англашилади. Биринчи давр вақт жиҳатидан каттагина бўлса-да, кинога мафкуранинг кучли таъсири сабаб комедиявий фильмлар сон жиҳатидан кам ишланди. Бироқ ҳар бир комедияда ўткир ижтимоий масала ёки кучли мафкуравий ёндашув мавжуд экани сезилиб турди. Шунга қарамай, режиссёрлар шаклан сиёсий-мафкуравий хусусиятларни акс эттирсалар-да, моҳиятан кучли бадиий образ яратишга катта аҳамият қаратишди. Кинокомедиялардаги қаҳрамонлар орқали ўзбекона анъана ва қадриятларни сақлаб қолиш каби хусусиятлар илгари сурилди. Ўз даврида ўқувчилар севиб ўқиган адабий асарлар ҳамда театрлар сахнасида томошабинига эга бўлган драматургик асарлар (“Насриддин Бухорода, “Насриддиннинг саргузаштлари” (Л.Соловьёвнинг “Хўжа Насриддин ҳақида хикоя” асари асосида), “Янги ер” (А.Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана” асари асосида), “Синчалак” (А.Қаҳҳорнинг шу номли қиссаси асосида), “Шум бола” (Ғ.Ғуломнинг шу номли қиссаси асосида), “Ажойиб хаёлпараст” (О.Ёқубовнинг “Бахт қуши” асари асосида), “Тўйлар муборак” (Ў.Ҳошимов асари асосида), “Келинлар кўзғолони” (С.Аҳмаднинг шу номли асари асосида), “Майсаранинг иши” (Ҳ.Ҳ.Ниёзий, “Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши” асари асосида), “Темир хотин” (Ш.Бошбеков, “Темир хотин” пьесаси асосида)нинг экранлаштирилиши ҳамда кинода янгича талқин топиши, шунингдек кенг масштабга эга бўлиши ўзбек кинокомедияларининг аҳамиятини янада оширди. Айтиш мумкинки, ўзбек киноси тарихида Йўлдош Аъзамов, Латиф Файзиев, Шухрат Аббосов, Дамир Салимов, Али Ҳамроев, Равил Ботиров, Мелис Абзалов, Эдуард Хачатуров, Исамат Эргашев каби режиссёрларнинг ижодий фаолияти, изланишлари туфайли миллий кинокомедиянинг ўзига хос шакли ва йўналиши вужудга келди.

Иккинчи давр нисбатан кам вақтни ўз ичига олса-да, мустақиллик туфайли, бозор иқтисодиёти муносабати билан берилган кенг имкониятлар

натихасида фильмлар ва айна пайтда кинокомедиялар сон жиҳатидан жуда кўпайди. Бу даврда аввалгидек барча нарса давлат мафкураси нуқтаи назаридан қаралмади ва давлат суверенитетига ва халқ маънавиятига қарши бўлмаган барча нарсага эркинлик берилди. Хусусан, 1990 йиллар бошларида Латиф Файзиев, Мелис Абзалов, Исамат Эргашев, Темурмалик Юнусов, Зулфиқор Мусоқов каби режиссёрлар ўзларининг фильмлари билан томошабинлар кўнглидан жой олган бўлса, 2000 йиллардан Рустам Саъдиев, Баҳром Ёкубов, Абдувоҳид Ғаниев, Ёлқин Тўйчиев, Жаҳонгир Аҳмедов каби режиссёрлар бадиий ва ғоявий жиҳатдан комедия жанри талабларига жавоб берадиган фильмларни томошабинларга тақдим этдилар. “Абдуллажон” (реж: З.Мусоқов, 1991), “Темир эркак” (реж: И.Эргашев, 1991), “Тангалик болалар” (реж: Т.Юнусов, 1992), “Масҳарабоз” (реж: Ш.Бошбеков, 1994), “Бомба” (реж: З.Мусоқов, 1995), “Яратганга шукр” (реж: З.Мусоқов, 1997), “Кичкина табиб” (реж: З.Мусоқов, 1998), “Чимилдик” (реж: М.Абзалов, 1999) каби яратилган фильмларда муҳаббат, фантастик ва ижтимоий мавзу ўз аксини топган. Хусусий студиялар фаолияти ҳам секин-аста шакллана бошлади ва бу иқтисодий жиҳатдан ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу эркинлик бир жиҳатдан рақобатни ўстирган, ижодкорларнинг катта кўламини вужудга келтирган, мамлакатдаги кинотеатрларни жонлантирган, томошабинни миллий маҳсулотларга жалб қилган, хорижий кинотеатрларга ўзбек бренди йўл олган бўлса, бошқа томондан комедиянинг мазмун-моҳияти саёзлашиб, бадиий хусусиятлари пасайиб боришига олиб келди. Кинокомедияни суратга олишга уриниш, шунингдек, телевидение ва интернет тўғрисида авж олган глобализациянинг ҳам таъсирида кучли шаклланди. Барчага яхши маълумки, глобаллашувнинг асосий моҳияти биринчидан бир воқеа, ҳодисанинг бутун дунё бўйлаб тез тарқалиши ва долзарблашиши бўлса, иккинчидан ҳар бир инсоннинг ўз ички хоҳиш-истакларини амалга оширишга, танилишга бўлган интилишларининг кучайиши билан боғлиқ.

1943-2023 йиллар мобайнидаги ўзбек кинокомедияси ўзининг тусланишига эга бўлиб, жанрлар қоришуви юзага келди. Хусусан, драма, мелодрама фильмларда ҳам комедия жанри хусусиятлари сингдирилиб, комик характердаги фильмлар юзага кела бошлади. Буларга Р.Саъдиев (“Келгинди куёв” (2005), “Келгинди келин” (2006), “Ўғригина келин” (2010), “Эр бермоқ – жон бермоқ” (2011), “Келганда келин” (2011)), А.Ғаниев (“Севгинатор” (2005), “Ўзимдан ўзимгача” (2009), “Қутқаринг қарияпман” (2011), Б.Ёқубов (“Супер келинчак” (2007), “Ичкуёв” (2009), “Ёндиради, куйдиради” (2011), “Мен юлдузман” (2012)), Ё.Тўйчиев (“Пойма-пой” (2009), “Учар қиз” (2010)), Ж.Аҳмедов (“Тундан тонггача” (2011), “Ана холос” (2014), “Тилим курсин” (2015)) каби режиссёрларнинг фильмлари мисол бўлиб, уларда комедия жанри бироз мелодрама билан қоришиқ тарзда ифода этилади.

Машҳур хонандалардан киноюлдуз яратиш мустақиллик даври фильмларида оммалашди. Бошқа жанрларда бу тажриба ўзини оқлаган, кинотеатрларга томошабинларни жалб қилган бўлса, комедияда ижроқидан махсус маҳорат талаб этилиши сабаб, бундай тажриба комедиянинг жанр хусусиятлари сусайишига олиб келди. Шунингдек, янги давр кинокомедияларида маълум бир актёрлар тандемининг оммалашуви, картиналарда айнан шу жуфтликлардан фойдаланиш анъанаси шаклланди (У.Қодиров ва Д.Кубаева, А.Узоқов ва Ш.Муҳаммедова, А.Ражабов ва Ш.Матчонова...).

Глобализация таъсирида одамларни ўзини кўрсатиши, машҳур бўлиш истагидан келиб чиққан ҳолатлар ҳам кучайди. Таъкидлаш керакки, бу ҳолат нафақат ўзбек киносига, балки жаҳон киносига вужудга келган ҳолатлардир. Айниқса, хориж, хусусан, Россиядаги КВНчиларнинг кино олишга ўтишидек салбий ҳолат мамлакатимиз кино санъатига тўғридан-тўғри кўчиб ўтди ва бу табиийки, жанрнинг софлиги бузилишига, бадий хусусиятларнинг йўқолиб, енгил-елпи кулгили сюжетларнинг бир-бирига ёпиштирилган шакллари

кўпайишига сабаб бўлди. Комедия жанрининг экологияси бузилишига сабаб бўлган бу “иждокорлар” Ж.Позилжонов, Ж.Шодмонов, С.Шодиев, О.Мирзахолов кабилар бўлди. Натижада, “Афанди ва азроил” (реж: Ҳ.Насимов, 2004), “Қизи борнинг нози бор” (реж: М.Отажонов, 2005), “Бойвачча” (реж: Ж.Позилжонов, 2007), “Асаль, йигитда гап битта бўлади” (реж: Т.Мақсудов, М.Отажонов, 2007), “Нортой” (реж: Ж.Позилжонов, 2008), “Уч тақдир” (реж: Д.Тўлаганова, 2009), “Супер Саид” (реж: Ш.Ҳамидова, 2009), “Кичкина хўжайин” (реж: Ж.Шодмонов, 2010), “Шомурод ва Дурдона” (реж: Ж.Позилжонов, 2010), “Энагалар” (реж: Ж.Шодмонов, 2011), “Чаллари” (реж: Ж.Позилжонов, 2011), “Шу етмай турувди” (реж: О.Мирзахолов, 2012), “Жаноб Қоровул” (реж: О.Мирзахолов, 2012) “Хасан ибн Хусан” (реж: Ж.Шодмонов, 2013), “Салом Наташа” (реж: О.Мирзахолов, 2014), “Аҳмадбой Раҳматбой” (реж: Ж.Сотиболдиев ва С.Ҳакимов, 2017), “Жанговар қайнона” (реж: Д.Умаров, 2019) кабилар бўлиб, уларнинг фаолияти бир қатор савиясиз, кулгули томошага айланган фильмлар сафини кенгайтирди холос.

Сўнгги йилларда кинокомедиялар орасида бадиий ва ғоявий жиҳатдан жанр талабларига жавоб берадиган, томошабинни ортидан эргаштира оладиган, профессионал актёрлар ва режиссёрлар ижоди кескин сусайди. Суратга олинган санокли кинокомедиялар (“Қовун” (реж: З.Мусоқов, 2015), “Бир кунлик тўй” (реж: Ш.Расулов, 2021), “Миллионер Жонибек” (реж: З.Зокиров, 2021), “Пулинг бўлса...” (реж: И.Муҳаммадиброҳимов, 2022), “Яна маҳаллада дув-дув гап” (реж: Ш.Аббасов, 2022)) ҳам воқеа бўлмади. Натижада юқорида санаб ўтилган баъзи “иждокор”лар таъсирида жанр саёзлашиб, бадиий дид туша бошлади.